

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Phd.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРОҚОВА ДИЛФУЗА БАХРИДДИНОВНА

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН УСУЛДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ
(Ўзбекистон туристик хизматлар кўрсатиш соҳаси мисолида)

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of of dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Ўроқова Дилфуза Бахриддиновна

Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантириш
имкониятлари..... 3

Урокова Дилфуза Бахриддиновна

Возможности развития сферы услуг с инновационными
методами..... 31

Oroqova Dilfuza Bahriddinovna

Opportunities for the development of the service sector with innovative
methods..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Phd.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРОҚОВА ДИЛФУЗА БАХРИДДИНОВНА

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН УСУЛДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ
(Ўзбекистон туристик хизматлар кўрсатиш соҳаси мисолида)

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt1487 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдуллоев Аслиддин Жунайдулоевич**
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
профессор

Расмий оппонентлар: **Сауханов Жонибек Казиевич**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Олланазаров Бекмурод Давлатмуротович
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот: **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 03/30.01.2020.1.20.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ кuni соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-60-78; факс: (99861) 223-60-19; e-mail: karsu_info@edu.uz.)

Диссертация иши билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-60-78, e-mail: karsu_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ кuni тарқатилди.

(2022 йил «_____» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.У.Арабов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Р.Б.Утемуратов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, PhD

Т.Досчанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиши шароитида хизматлар соҳасини инновацион ривожлантириш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бирига айланиб бормоқда. “Шуни таъкидлаш лозимки, хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг нисбатан тез ривожланаётган секторларидан бири бўлиб, мамлакат ЯИМнинг шаклланиши ва аҳоли даромадига аҳамиятли ҳисса қўшади. Халқаро меҳнат ташкилотининг баҳосига кўра, хизматлар соҳасининг 1 фоизга кўшимча ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга камайтириш имконини беради”¹. Глобал пандемиядан кейинги даврда хизматлар соҳасининг муҳим йўналишларидан бири бўлган туристик хизматлар кўрсатишни инновацион усулда ривожлантириш имкониятларидан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда глобаллашув шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантиришнинг мамлакат иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий соҳа фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ йўналишларида илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожланишининг реал сектор ишлаб чиқариш натижаларига ҳамда ижтимоий капиталнинг ўсиш суръатларига билвосита таъсири, аҳолига хизматлар кўрсатиш таркибидаги сифат ўзгаришлари, соҳани инновацион ривожлантиришнинг рақамли иқтисодиёт билан боғлиқлиги, инновацион ривожланиш усуллари татбиқ этишнинг хизматлар кўрсатиш соҳасига таъсирини прогноз баҳолашни такомиллаштириш кабилар бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистон тараққиёти даврида иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда хизматлар кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатдаги туристик салоҳиятни янада кучайтириш, янги ва истиқболли туристик йўналишларни ишлаб чиқиш, замон талабларига мувофиқ келадиган туристик хизмат турларини йўлга қўйиш орқали соҳа тараққиётини жадаллаштириш чора-тадбирлари жорий этилмоқда. «Туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим. ...2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 млн. нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 млрд. АҚШ долл.га етказиш»² вазифалари белгилаб берилди. Мазкур вазифаларни амалга оширишда хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш асосида давлат томонидан қўллаб-

¹ Кутбитдинов Ю. Сфера услуг в приоритетах восстановления // Экономическое обозрение. - №7 (247), 2020. - <https://review.uz/post/sfera-uslug-v-prioritetax-vosstanovleniya>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. <http://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

қувватлаш, хизматлар кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш услубиётини инновацион ўзгаришлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш, хизматлар экспорти ҳажмини ошириш юзасидан турли сценарийларга асосланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқиш каби йўналишларда илмий тадқиқотларни олиб бориш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 30 сентябрдаги ПФ-6318-сон «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатлар миллий иқтисодиётида хизматлар соҳасининг тутган ўрнини баҳолаш, уни ташкил этиш, жумладан аҳолига хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, хизматлар соҳасини ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг таъсир доираларини баҳолаш, ушбу соҳани технологик жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар Ж.Жафари, С.П.Баррос, М.Ж.Баррос, Ж.Соулард, Ж.С.Зиммерҳакел, Б.Валҳеер, А.Мэтисон³ каби узоқ хориж мамлакатлари олимлари томонидан ўрганилган.

³ Jafari J. Editor's Page // Annals of Tourism Research. Special Number. October/December, 1977. p. 8.; Barros C.P. Evaluating the efficiency of a small hotel chain with a Malmquist productivity index / C.P. Barros // International Journal of Tourism Research. 2005. №7(3). P.173-184.; Barros, M.J. Mascarenhas // International Journal of Hospitality Management. 2005. №24(3). P.415-436. Joelle Soulard, Whitney Knollenberg, B. Bynum Boley, Richard R. Perdue, Nancy Gard Mc Gehee. Social capital and destination strategic planning // International Journal of Tourism Management. Volume 69, December 2018, Pages 189-200 <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0261517718301225>; Johanna S. Zimmerhackel, Abbie A.

Яқин хориж мамлакатларида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-услубий жиҳатлари, мамлакатда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишда илғор хориж амалиётидан фойдаланиш истиқболлари, хизматлар кўрсатишни ташкил этишнинг табиий-географик омиллар билан боғлиқлиги, ҳудудлардаги мавжуд хизматлар соҳасини ривожлантириш салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари, ушбу соҳанинг глобал рақобатбардошлиги кўрсаткичини оширишнинг устувор йўналишлари Е.А.Котляров, И.И.Пирожник, Т.В.Абрамова, А.Е.Бойко, М.К.Калашова, С.С.Николаев, Е.С.Богомова, Л.А.Галичиева, Е.А.Джанджугузалова, Д.Н.Марков⁴ каби иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Е.В.Гольшева, Н.С.Ибрагимов,⁵ Т. Досчанов, Б.Ш.Сафаров, Т.Т.Ташмуротов, Д.К.Усманова, О.Х.Хамидов⁵ кабиларнинг илмий изланишларида мамлакатимизда туристик хизматлар бозорини ривожланишига хос бўлган хусусиятлар, бозор иқтисодиёти шароитида туристик хизматларни ташкил этиш йўналишлари, туристик фаолият юритувчи корхона ва ташкилотларнинг бошқаруви амалиётини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган. Шунингдек, мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган хизматларни инновацион усулда

Rogers, Mark G. Meekan, Khadeeja Ali, David J. Pannel, Marit E. Kragt. How shark conservation in the Maldives affects demand for dive tourism // International Journal of Tourism Management. Volume 69, December 2018, Pages 263-271. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0261517718301201>; Barnabe Walheer, Linjia Zhang. Profit Luenberger and Malmquist-Luenberger indexes for multi-activity decision-making units: The case of the star-rated hotel industry in China // International Journal of Tourism Management. (Pages 1-604 (December 2018) pp. 1-11.; Mathieson A., Wall G. Tourism Economic, Physical and Social Impact Longmont Scientific and Technical, Singapore, 1989. 137 p.

⁴ Котляров Е. А. География отдыха и туризма. Формирование и развитие территориальных рекреационных комплексов. – М.: Мысль, 1978. – 238 с.; Пирожник И.И. Основы географии туризма и экскурсионного обслуживания. – Минск «Университетское», 1985. – 160 с.; Абрамова Т.В. Основы и механизм управления развитием курортно-туристского комплекса России Дис. канд.экон.наук. – Москва, 2004. – 174 с.; Бойко А.Е. Формирование кластеров как инструмент повышения конкурентоспособности туристских услуг: Автореф. дис. канд.экон.наук. – Новосибирск: 2011. – 24 с.; Калашова М.К. Активизация развития туристско-рекреационного комплекса: факторы и регуляторы (на материалах Республики Адыгея) Дис. канд.экон.наук. – Майкоп, 2009. – 173 с.; Николаев С.С. Стратегия формирования единого туристского пространства. автореферат дисс. канд. экон. наук. – Санкт-Петербург. – 2000. – 24 с.; Богомолова Е.С. Теоретико-методологические основы управления развитием туристско-рекреационного комплекса региона. Дис. д-ра.экон.наук. – Майкоп, 2008. –346 с.; Галачиева Л.А. Формирование и развитие территориально-рекреационного комплекса Кабардино-Балкарии: Дис. канд.геогр.наук. – Ставрополь, 2006. – 160 с.; Джанджугазова Е.А. Формирование стратегии развития регионального туристско-рекреационного комплекса. Дис. д-ра.экон.наук. – Москва, 2005. – 256 с.; Марков Д.Н. Экономическая оценка туристской деятельности на региональном уровне: атореф. дис... канд. экон. наук: 08.00.05 / Д.Н. Марков. Владивосток, 2013. 24 с.

⁵ Гольшева Е.В. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях. Дисс. ... канд. экон. наук. – Ташкент, 2012. – 156 с.; Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент конценциясини қўллаш. И.ф.н. дисс. – Бухоро, 2006. – 183 б.; Досчанов Т. Туризм соҳасини бошқаришнинг инновацион моделини такомиллаштириш масалалари. Эффективное использование социально-экономического потенциала и привлечение новых источников экономического роста. ИПМИ. Форум экономистов – VI. Ташкент – 2015. с. 259-265.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 184 б.; Ташмуратов Т.Т. Халқаро туризм. – Т.: Турон – Иқбол, 2007. – 320 б.; Усманова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития. Дисс. ... канд. экон. наук. – Самарканд: СамИСИ, 2009. – 157 с.; Хамидов О.М. Выбор Конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана. . Дисс. ... канд. экон. наук. – Самарканд: СамИСИ, 2006. – 155 с

ривожлантириш, ушбу соҳага янги техника ва технологияларни жорий этиш орқали хизматлар сифатини такомиллаштиришга бағишланган назарий-амалий масалалар тизимлаштирилган ва комплекс ҳолда, махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган.

Иқтисодий адабиётларда ушбу масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, жумладан, хизматлар кўрсатиш жараёнларини ташкил этишда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш, мамлакатда инновацион хизматлар кўрсатиш инфратузилмасини шакллантириш орқали кўрсатилаётган хизматларнинг глобал рақобатбардошлиги кўрсаткичини яхшилаш каби устувор мақсадларга эришишда давлат ва хусусий шерикликнинг замонавий механизмини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётларда етарлича ўрганилмаганлиги, кутилаётган илмий натижаларни илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги ушбу мавзунинг тадқиқот объекти сифатида танлашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда “ОТ-Ф1-04 «Рақобатбардош туристик ҳудуд ва кластерларни шакллантириш асосида Ўзбекистонда туризмни давлат миқёсида барқарор ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган” мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инновацион хизматлар кўрсатиш соҳаси, унинг моҳияти ва ривожланиш босқичларининг назарий асосларини таҳлил қилиш;

мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг институционал асосларини таҳлил қилиш ва ривожланиш босқичларини аниқлаш;

хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантиришнинг илғор хориж тажрибасини қиёсий таққослаш;

Ўзбекистонда аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденцияларини баҳолаш;

хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини комплекс баҳолаш амалиётини тадқиқ этиш;

мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш ҳолатига баҳо бериш;

давлат томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизмини шакллантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

ўрта муддатли истикболда мамлакатда хизматлар экспорти ҳажмини оширишда туристик хизматлар бозорини ривожлантириш истикболларини баҳолаш;

мамлакатда хизматлар кўрсатиш бўйича глобал рейтинг кўрсаткичларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда туристик хизматлар кўрсатишни инновацион ривожлантириш соҳаси танланган.

Тадқиқотнинг предмети туристик хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хизмат турларини инновацион жараёнларни жорий этишга мойиллиги даражасига кўра паст ($PI_l=0-0,3$), ўрта ($PI_m=0,4-0,6$) ва юқори ($PI_h=0,7-1,0$) даражали гуруҳларга табақалаштириш ҳамда ҳар бир тегишли гуруҳ бўйича инновацион ўзгаришларни баҳолаш кўрсаткичларини киритиш асосида хизматлар кўрсатиш соҳаси самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш таклифи асосланган;

инновацион инфратузилма элементларининг ($E_{II}=10$) зарурий таркиби таклиф этилиб, уларни оптимал даражасини шакллантириш орқали давлат томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлаш таклифи асосланган;

туристларга меҳмонхона хизматлари кўрсатиш бўйича ҳудудий рейтингини мавжуд меҳмонхоналар сони, уларнинг сиғимкорлиги даражаси ҳамда улардаги инновацион хизмат турлари салмоғини умумлаштирувчи кўрсаткич ($KI=MS \times S \times IXTS$) орқали ифодалаш таклифи асосланган;

хизматлар экспорти ҳажмини оширишда Ўзбекистонга хорижий туристлар ташрифи бўйича пессимистик, инерцион ва оптимистик сценарийларга асосланган 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хизматлар кўрсатиш соҳаси самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиёти тавсия этилган;

хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантиришнинг илғор хориж тажрибаси қиёсий таққосланган;

Ўзбекистонда аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденциялари баҳоланган;

мамлакатда туристик хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий-институционал жиҳатлари тадқиқ қилинган ва ривожланиш босқичлари аниқланган;

мамлакатда туризм соҳасини ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати баҳоланган;

давлат томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизмини шакллантиришнинг устувор йўналишлари аниқланган;

ўрта муддатли истикболда мамлакатда туристик хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш йўналишларига оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), БМТнинг Халқаро туризм ташкилоти (UNWTO), Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакат иқтисодиётида туризм соҳасининг тутган ўрнини яхшилаш, туристик хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг самарадорлигини ошириш ва уларни амалга оширишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Республика вилоятлари ҳокимликлари, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш, олий ўқув юртларида ўқитиладиган «Иқтисодиёт назарияси», «Туризм иқтисодиёти», «Туризм инновацион иқтисодиёти», «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти», «Менежмент», «Микроиқтисодиёт», «Макроиқтисодиёт» фанларининг ишчи-ўқув дастурларини такомиллаштириш ва талабаларга таълим бериш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

хизмат турларини инновацион жараёнларни жорий этишга мойиллиги даражасига кўра паст ($PI_l=0-0,3$), ўрта ($PI_m=0,4-0,6$) ва юқори ($PI_h=0,7-1,0$) даражали гуруҳларга табақалаштириш ҳамда ҳар бир тегишли гуруҳ бўйича инновацион ўзгаришларни баҳолаш кўрсаткичларини киритиш асосида хизматлар кўрсатиш соҳаси самарадорлигини баҳолаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятларида фойдаланилган (Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2021 йил 21 декабрдаги 03-17-02/12/63-сон ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офисининг 2021 йил 24 декабрдаги 02-02/352-сон маълумотномалари). Натижада Ўзбекистонда туризм индустриясининг ривожланиш кўрсаткичлари, жумладан, ички ва кириш туризмини ўзаро алоҳида таҳлил қилиш асосида соҳадаги мавжуд камчиликлар, эришилган натижалар, туризмни ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати бўйича тегишли хулосаларни чиқариш имкони яратилган;

инновацион инфратузилма элементларининг ($E_{II}=10$) зарурий таркиби таклиф этилиб, уларни оптимал даражасини шакллантириш орқали давлат томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятларида фойдаланилган (Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2021 йил 21 декабрдаги 03-17-02/12/63-сон ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офисининг 2021 йил 24 декабрдаги 02-02/352-сон маълумотномалари). Натижада узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда хизматлар кўрсатувчи корхона, ташкилот ва туристик корхоналар фаолиятини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, жумладан, инновацион хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш имкони яратилган;

туристларга меҳмонхона хизматлари кўрсатиш бўйича ҳудудий рейтингини мавжуд меҳмонхоналар сони, уларнинг сифимкорлиги даражаси ҳамда улардаги инновацион хизмат турлари салмоғини умумлаштирувчи кўрсаткич ($KI=MS \times S \times IXTS$) орқали ифодалаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятларида фойдаланилган (Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2021 йил 21 декабрдаги 03-17-02/12/63-сон ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офисининг 2021 йил 24 декабрдаги 02-02/352-сон маълумотномалари). Натижада мазкур баҳолаш амалиёти республикада хизматлар кўрсатиш соҳасининг ҳудудлар кесимида ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш, хусусан, ривожланиш даражаси бўйича ортда қолаётган ҳудудларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш орқали уларнинг салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкони яратилган;

хизматлар экспорти ҳажмини оширишда Ўзбекистонга хорижий туристлар ташрифи бўйича пессимистик, инерцион ва оптимистик сценарийларга асосланган 2026 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятларида фойдаланилган (Туризм ва маданий мерос

вазирлигининг 2021 йил 21 декабрдаги 03-17-02/12/63-сон ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офисининг 2021 йил 24 декабрдаги 02-02/352-сон маълумотномалари). Натижада мазкур прогнозлаштириш натижаси узок муддатли истиқболда мамлакатда туристик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, мамлакат ЯИМ ҳажмида туристик хизматлар улушини ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та илмий мақола, шундан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 160 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, унинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари очиқ берилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг **«Хизматлар соҳасини инновацион ривожлантиришнинг илмий концептуал асослари»** деб номланган биринчи бобида хизматлар соҳасининг ривожланиш босқичлари, уларнинг илмий-назарий асосларини шаклланиши, Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-институционал асослари таҳлил қилиниб, турли босқичларга ажратиб ўтилган, хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантиришнинг илғор хориж тажрибаси қиёсий таққосланган ва улардан мамлакатимиз амалиётида ижодий фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган.

Хизматлар соҳасининг туб моҳиятини тушуниб етишда хизмат тушунчасининг мазмунига этиборни қаратиш лозим бўлади. 1-жадвалда айрим хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан хизматлар иқтисодий категориясига берилган таърифлар келтириб ўтилган. Жумладан, иқтисодий адабиётда хизматлар иқтисодий категориясига берилган

тарифларни умумлаштирган ҳолда, хизматлар иқтисодий категориясига муаллиф таърифи ҳам ишлаб чиқилди.

Таҳлилларга кўра, хизматларнинг товарлардан ўзаро фарқли жиҳати уларни кўзга кўринмаслиги билан биргаликда, моддий неъматлар каби сақлаш имкониятининг мавжуд эмаслигидадир. Яъни, хизматлар кўрсатилаётган вақтнинг ўзида истемол қилинадиган товар ҳисобланади.

1-жадвал

Хизматлар иқтисодий категориясига айрим иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар⁶

Иқтисодчи олим	Хизматлар соҳасига берилган таърифлар
А. Смит ⁷	Хизматлар номоддий аҳамият касб этганлиги сабабли унумсиз меҳнат сифатида баҳоланади
Т.П. Хилл ⁸	Инсонлар ўртасидаги олдиндан ўзаро келишилган ҳаракатлар ёки ҳолатларнинг ўзгариши хизматлар деб баҳоланади
А.А. Лапочкина ⁹	Хизмат – бу жамият ва унинг аъзолари, хўжалик фаолияти юритувчи иқтисодий субъектлар, хонадон хўжаликлари, ташкилотларнинг номоддий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган иқтисодий фаолият юритиш шакли ҳисобланади
Ю.Марков ¹⁰	Хизмат кўрсатиш соҳаси – бу иқтисодиётнинг бир қисми бўлиб, тижорат (иқтисодий) ва нотижорат (ижтимоий) шаклларда корхона, ташкилотлар ва жисмоний шахслар учун мўлжалланган турли хизматларни такрор ишлаб чиқарилишини ўз ичига олувчи консолидациялашган, умумлаштирувчи иқтисодий категория ҳисобланади
И.С. Тухлиев ¹¹	Хизматлар – бу кўзга кўринмас товарнинг ўзига хос туридир
И. Очиллов ¹²	Хизмат дейилганда, инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади
Муаллиф фикри	Хизматлар – бу номоддий аҳамият касб этувчи, истемолчиларнинг маълум бир эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва ўз истемолчисига маълум бир даражада ижтимоий-иқтисодий нафлилик келтирувчи кўзга кўринмас товар ҳисобланади.

Бугунги кунда хизматлар кўрсатишда инновацион лойиҳаларни амалиётга кенг жорий этилаётганлигини инобатга олган ҳолда, инновацион хизматлар иқтисодий категориясига иқтисодчи олимларнинг қарашлари ва муаллифлик тарифини 2-жадвалда келтириб ўтилди.

Хизматлар соҳасининг ривожланиб бориши жаҳон миқёсида хизматлар экспорти ҳажмининг ортишига олиб келди. Бунда глобал миқёсда мамлакатлар ўртасида туристлар ҳаракати вужудга келди ва туризм соҳасининг ривожланиши учун замин яратди. Шу ўринда туризм соҳасининг ривожланишига оид бўлган илмий-назарий қарашларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

⁶ Муаллиф томонидан тузилган

⁷ Smith A. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. Edited by S.M. Soares. MetaLibri Digital Library, 29th May 2007. P. 754

⁸ Hill T.P. On Goods and Services. Review of Income and Wealth, Vol. 23, Issue 4. 1977. – pp. 315-338

⁹ Лапочкина А.А., Байгулова А.А. Роль сферы услуг в современной экономике. // Nauka-rastudent.ru – 2016 – № 3 (027) / [Электронный ресурс]. – Режим доступа – URL: <https://readera.org/rol-sfery-uslug-v-sovremennoj-jekonomike-14330403> (мурожаат санаси 20.10.2021 й.)

¹⁰ Марков Ю. Рынок услуг. – М.: Академия, 2011. С. 13-14.

¹¹ Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Е., Амридинова Р.С. Туризм асослари: Ўқув қўлланма – С.: СамИСИ, 2010. – 247 б.

¹² Очиллов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг тавсифи. //Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Т.: “ИQTISODIYOT-MOLIYA”, 2008 й. 178 б.

Туризм соҳасининг ривожланиш тарихига назар соладиган бўлсак, XVII-XVIII асрлардаги туристик аҳамият касб этувчи меъёрий ҳужжатларда Европанинг «Гранд тур» иштирокчилари ҳисобланган ёшларни туристлар сифатида расмийлаштирилганлиги ҳақида маъулумотлар келтирилган. Шунингдек, 1876 йилда нашр этилган «XIX асрга оид умумий луғат (Dictionnaire universel du XIX sie'cle)»да дам олиш мақсадида ёки ишдан бўш вақтида саёҳат қилаётган инсонларга турист сифатида таъриф берилган¹³.

2-жадвал

Инновацион хизматлар иқтисодий категориясига айрим иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар¹⁴

Иқтисодчи олим	Инновацион хизматлар иқтисодий категориясига берилган таъриф
Е. Муллер, А. Зенкер ¹⁵	Инновацион хизмат – бу бутунлай янги бозорни яратиш ёки мавжуд бозорни узок муддатга кутилмаган даражада юқори фойда келтирадиган даражада ислоҳ қилиш қобилятига эга хизматдир.
Р.А. Патон, С. Маклауфлин ¹⁶	Инновацион хизмат – бу объектив жиҳатдан янгиликка эга бўлган, истеъмолчиларга илк маротаба тақдим этилаётган ва янги бозорни шакллантиришга қодир бўлган хизмат туридир.
М. Дорошенко ¹⁷	Инновацион хизматлар бу хизматларнинг тобора индивидуаллашган ва гетерогенлашган туридир.
А. Яковлев ¹⁸	Инновацион хизматлар – бу анъанавий хизматлар кўрсатиш соҳасига АКТ ни жорий этиш орқали билимга асосланган хизмат кўрсатиш турини англатади.
Д.Д. Джураева ¹⁹	Инновацион хизматлар – бу моддий салоҳиятга нисбатан интеллектуал салоҳият устунлик қиладиган хизматлардир.
З.М. Мухаммедова ²⁰	Инновацион хизматлар илм-фан ва билимнинг кучли таъсири остида шаклланган хизмат тури
Муаллиф фикри	Инновацион хизматлар бу мазкур турдаги аввалги хизмат кўрсатиш шаклининг технологик жиҳатдан тубдан такомиллаштирилган, истеъмолчиларга нафлилиги ортган ёки бозорда талаб мавжуд бўлган янги турдаги илм-фан сифимкорлиги юқори хизматлар кўрсатиш шакли ҳисобланади

Америкалик иқтисодчи олим Дж.Джафарининг фикрича, «Туризм – инсоннинг доимий яшаш жойидан ташқарида, яъни бошқа бир ҳудудда бўлган вақтда унинг ўз эҳтиёжларини қондиришдаги хатти-харакатини, жумладан, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва атроф-муҳитга таъсирини ўрганати»²¹. Шунингдек, Э.Мэтисон ва Дж.Уолл томонидан амалга оширилган тадқиқотларда туризм иқтисодий категориясига қуйидагича таъриф берилган: «Туризм – бу инсонларнинг ўз доимий яшаш жойи ва иш ўрнидан ташқаридаги ҳудудда бўлган жойда яшашлари, шунингдек, у ердаги

¹³ Theobald W.F. (Ed.) Global Tourism. Burlington: Elsevier Inc., 2005. p. 10

¹⁴ Муаллиф томонидан тузилган

¹⁵ Muller E., Zenker A. Analysis of Innovation-oriented Networking between R&D Intensive Small Firms and Knowledge-Intensive Business Services: Empirical Evidence from France and Germany. Proceedings of the High-Technology Small Firms Conference. 4-5 June 1998. Univ. of Twente (the Netherlands). Pp. 175-203.

¹⁶ Paton R.A., McLaughlin S. Services innovation: Knowledge transfer and the supply chain. European Management Journal (2008) 26. pp. 77-83

¹⁷ Дорошенко М. Интеллектуальные услуги сегодня и завтра // Форсайт – 2007 – № 2. – с. 37-45.

¹⁸ Яковлев А. Интеллектуальный потенциал России и экономический рост. Свободная мысль – XXI. № 10, 2004. [Электронный ресурс] <https://www.hse.ru/news/1163619/1118905.html>

¹⁹ Джураева Д.Д. Хизматлар соҳасини такомиллаштиришда инновацион фаолиятнинг илмий-амалий аҳамияти. Иқтисод ва молия журнали. № 2(138), 2021. 70-76 бетлар

²⁰ Мухаммедова З.М. Туризмни инновацион ривожлантиришда инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини ошириш. Иқт. фан. 6-ча фалсафа док. (PhD) дисс. автореферати. Самарқанд – 2020 26 б.

²¹ Jafari J. Editor's Page // Annals of Tourism Research. Special Number. October/December, 1977. p. 8.

яшаш шарт-шароитлари билан таъминланганлиги ҳолати, жумладан, ижтимоий ва туристик инфратузилма объектлари хизматларидан фойдаланиши, инсоннинг ўз истеъмолини қондиришдаги хатти-харакатини тавсифлайди».²²

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунида туризм иқтисодий категориясига қуйидагича таъриф берилган: «туризм – жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатадаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)»²³. Фикримизча, мазкур қонунда берилган таъриф мамлакатимизда туризм соҳасини ривожланишининг ҳозирги босқичига тўлиқ мос келади.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, туристик хизматлар пакети – бу турист томонидан амалга оширилаётган тур ёки саёҳатнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, унинг истеъмоли учун зарур бўлган туристик хизматлар мажмуасидан ташкил топади, деган хулосага келиш мумкин.

Фикримизча, инновацион туристик хизматлар – бу туристлар учун кўрсатилаётган технологик жиҳатдан такомиллаштирилган ёки янги турдаги замонавий илм-фан ютуқларини ўзида мужассамлаштирган юқори ижтимоий-иқтисодий нафлилик ва сифат кўрсаткичларига эга бўлган хизматлардир.

Мамлакатимизда туризм соҳасининг ҳуқуқий-институционал ривожланиш босқичларини қуйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин бўлади: 1992-1995 йиллар – туризмнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини шакллантириш босқичи; 1996-1999 йиллар – туристик оқимни тартибга солиш ва туристларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш босқичи бўлди; 2000-2005 йиллар – мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда миллатлараро алоқаларни кенгайтириш, мамлакатимизнинг халқаро туризм бозорига интеграциялашуви босқичи ҳисобланади; 2006-2015 йиллар – миқдор ва сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш, кўрсатилаётган туристик хизматларни жаҳон стандартлари асосида ишлаб чиқиш ва исъмолчиларга етказиш усулларини амалиётга тадбиқ этиш босқичи; 2016-2020 йиллар (пандемия бошлангунга қадар) мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришнинг бешинчи босқичи сифатида баҳоланиб, ушбу босқичда туризм соҳасини ривожлантиришни жаҳон стандартларига ўтказиш орқали мамлакатимизнинг халқаро туристик хизматлар бозорига интеграциялашуви жараёнларини чуқурлаштириш босқичи ҳисобланади; 2021 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришнинг сўнгги босқичи бўлиб, ушбу босқичда хизматлар кўрсатиш, хусусан, туризм соҳасида хавфсиз хизматлардан фойдаланувчиларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш, хизматлар соҳасига инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантиришга қаратилган ислохотларга устуворлик қаратилмоқда.


²² Mathieson A., Wall G. Tourism: Economic, Physical and Social Impacts. London: Longman Group Ltd., 1982. P. 12

²³ Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги ЎРҚ-549-сон Қонуни. 18.07.2019 й. <https://www.lex.uz/docs/4428097>

“Covid-19” пандемиясига қадар бўлган даврда тараққий этган мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти ҳажмида хизматлар кўрсатиш соҳасининг улуши ўрта ҳисобда 74 фоизни ташкил этган. Шунингдек, ушбу соҳада кичик ва ўрта бизнес вакилларининг улуши 90-95 фоизга тенг бўлган ҳолда, хизмат кўрсатишда банд бўлганлар жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 70-75 фоизини ташкил этган.

“Covid-19” пандемияси шароитида халқаро туризм бозорининг ривожланиш тенденциялари 58-78 фоизгача пасайиб, жаҳон ЯИМ ҳажми туризм хизматлари бозорида пандемия сабабли вужудга келган йўқотишлари ҳисобига 2,8 фоизга қисқарди. Натижада жаҳон мамлакатларида туризм соҳасида банд бўлган 100 млн.дан ортиқ иш ўринлари тугатилиш хавфи остида қолди.²⁴

Тадқиқот ишининг «Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган иккинчи бобида мамлакатимизда аҳолига хизматлар кўрсатиш, жумладан, туристик хизматлар соҳасининг ривожланиш тенденциялари баҳоланган, унинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган, хизматлар кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асослари таҳлил қилиниб, мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш соҳасини комплекс баҳолаш услубиётини шакллантириш зарурияти илмий асосланган ҳолда, хизматлар кўрсатиш соҳаси самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни турли гуруҳларга ажратиш орқали миллий баҳолаш услубиётининг уч босқичли алгоритми ишлаб чиқилган, мамлакатимизнинг хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожланиш салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган.



1-расм. Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденциялари²⁵

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири бу мамлакатда хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобланади.²⁶ Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2016-2021 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилган ислохотлар натижасида хизматлар кўрсатиш соҳасида хўжалик фаолияти юритувчи иқтисодий субъектлар сони ортиб, хизматлар кўрсатишнинг тармоқ таркиби сезиларли даражада такомиллашиб,

²⁴ Показатели Мирового развития. Экономика и рост. World Bank. [Электронный ресурс]. URL: <https://data.worldbank.org/indicator> (дата обращения: 27.01.2021).


²⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. 28.01.2022 й. <https://lex.uz/docs/5841063>

кўрсатилаётган хизматларнинг турлари кенгайиб, замонавий ва сифатли хизматлар бозори шаклланиб келмоқда.

Мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида 2010-2021 йилларда хизматлар соҳасида барқарор ўсиш тенденцияларига эришилди. Натижада аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 6,8 марта ортди (1-расмга қаранг).

Таҳлилларга кўра, хизматлар кўрсатишнинг тури ва шаклидан келиб чиққан ҳолда унинг самарадорлик кўрсаткичини баҳолаш амалиёти ўзаро фарқланади. Хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши натижасида бугунги кунда хизматлар таркибида моддийлик хусусиятига эга бўлган хизматларнинг турлари ҳам ажратиб кўрсатилади (масалан, умумий овқатланиш шаҳобчаларида фуқаролар учун овқатланиш хизматлари кўрсатилади). Ушбу ҳолат ҳар бир хизмат кўрсатиш турининг номоддий хусусиятга эга бўлган соҳаларида самарадорлик кўрсаткичини баҳолаш услубиёти нисбатан мураккаблигини англатади.



2-расм. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг самарадорлиги кўрсаткичининг таркибий компонентлари²⁷

²⁷ Муаллиф томонидан тузилган

Хизматлар кўрсатиш соҳасининг самарадорлиги кўрсаткичини таҳлил қилишда унинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўзида акс эттирувчи интеграл кўрсаткичлар тизимини шакллантириш лозим бўлади. Амалга оширилган таҳлиллар кўрсатишича, хизматлар кўрсатишнинг миқдор кўрсаткичлари кўрсатилаётган хизматларнинг сони, хизматларга бўлган талаб, хизмат кўрсатишда банд бўлганларнинг сони, хизмат кўрсатишдан олинган фойда ёки даромад каби кўрсаткичларда ўз аксини топса, хизматлар кўрсатишнинг сифат кўрсаткичлари ўзаро таъсир доиралари, атроф-муҳит ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатида ўз аксини топади (2-расмга қаранг).

Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда, мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, экологик, маданий жиҳатларини ўзида акс эттирган хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш самарадорлигини комплекс баҳолашнинг миллий услубиётини шакллантириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу турдаги баҳолаш услубиёти 3-расмда келтириб ўтилган тузилишга эга бўлиши мақсадга мувофиқ.


Тегишли кўрсаткичларни танлаш жараёнида хизмат кўрсатиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни тўлиқ қамраб олинганлигига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан амалга ошириладиган хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш самарадорлигини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар натижаларига кўра, унинг самарадорлиги кўрсаткичларига мавсумнинг ўзгариши, ҳордиқ чиқариш масканларнинг жозибадорлиги (яъни туристларни ўзига жалб қила олиши), кўрсатилаётган хизматларнинг миқдори ва сифати (асосий ва қўшимча хизмат турлари), уларнинг нархлари, истеъмолчиларнинг тўлов қобилияти, ҳордиқ чиқариш масканларида хизматлардан фойдаланувчиларнинг харажат қилишга ундовчи хусусиятлари каби омиллар доимий равишда ўз таъсирини кўрсатади.

Таклиф этилаётган алгоритм асосида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш самарадорлигини комплекс баҳолашнинг иккинчи босқичида мамлакатда хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш хусусиятлари, унинг мавжуд камчиликлари ва ютуқларини тўлиқ баҳолаш имкониятини берувчи услубиётни шакллантириш лозим. Бунда халқаро ташкилотлар экспертлари ва тараққий этган мамлакатлар, жумладан яқин хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда, мамлакатимиз амалиёти учун хос бўлган услубиётни ишлаб чиқиш лозим бўлади. Фикримизча, бунда қуйидаги талабларни инобатга олиш орқали унинг комплекслигини таъминлашга эришилади:

- мамлакатнинг (ёки вилоятнинг) ҳордиқ чиқариш учун мўлжалланган туристик-рекреацион ҳудудларидан фойдаланиш ҳолати;

- мамлакатнинг (ёки вилоятнинг) хизматлар кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқарилаётган, жумладан, туристик маҳсулотлар ва хизматларнинг турлари, уларнинг нархи ва сифат кўрсаткичларининг кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланувчилар учун мақбуллиги;

- мамлакатнинг (ёки вилоятнинг) туристларни ўзига жалб қила олиш бўйича афзаллик ва устунлик жиҳатларидан фойдаланиш ҳолати;
- хизматлар кўрсатиш бозорида банд бўлган аҳолининг маълумоти ва даромади бўйича гуруҳланиши, жумладан, туристик корхоналарнинг юқори малакали кадрлар билан таъминланганлиги ҳолати ва ҳ.к.



3-расм. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш самардорлигини комплекс баҳолашнинг миллий услубиёти²⁸

²⁸ Муаллиф томонидан тузилган

Шунингдек, юқорида таклиф этилган алгоритм асосида хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш самарадорлигини комплекс баҳолашнинг сўнги, учинчи босқичида биринчи ва иккинчи босқич натижаларига асосланган ҳолда мамлакат (ёки вилоят) хизматлар кўрсатиш соҳасини тизим сифатида, хусусан, туризм индустриясининг ривожланиш кўрсаткичлари, жумладан, ички ва кириш туризмини ўзаро алоҳида таҳлил қилиш асосида соҳадаги мавжуд камчиликлар, эришилган натижалар, хизматлар соҳасини ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати бўйича тегишли хулосаларни чиқаришга эришилиши билан бир қаторда, олинган натижаларнинг комплекслиги таъминланади.

Фикримизча, таклиф этилаётган алгоритм асосида хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш самарадорлигини комплекс баҳолашнинг миллий услубиётини ишлаб чиқиш бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг бозор механизмини шакллантириш, узоқ муддатли истиқболда мамлакатда ушбу соҳани ислоҳ этиш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган давлат дастурларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимиз, жумладан, республика вилоятларида ички ва кириш туризмини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини яратиш, мамлакатимиз иқтисодиётида кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг ортиши, унинг сифат жиҳатдан такомиллашуви, соҳанинг глобал даражадаги рақобатбардошлигини ошириш учун ҳам етарли шарт-шароитлар яратиши билан бир қаторда, мазкур соҳанинг инвестицион жозибadorлигини ҳам оширади. Натижада соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали мавжуд муаммоларни самарали ҳал этиш имконини беради.

Диссертация ишининг учинчи боби **«Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантириш имкониятлари»** деб номланиб, унда хизматлар кўрсатиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш зарурияти асосланиб, хизматлар экспорти ҳажмини оширишда туристик хизматлар бозорини ривожлантириш йўллари таҳлил қилинган. Жумладан, мамлакатимиз экспорти ҳажмида хизматларнинг улуши билан хорижий туристлар оқими ўртасида корреляцион-регрессион таҳлилларга асосланган ҳолда, ўрта муддатли истиқболда мамлакатимизда туристик хизматлар кўрсатиш бозорини ривожлантириш бўйича пессимистик, инерсион ва оптимистик прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган, хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш имконини берувчи давлат ва хусусий шерикликнинг инновацион механизми таклиф этилган. Шунингдек, мамлакатимизнинг хизматлар кўрсатиш бўйича глобал рейтинг кўрсаткичларини такомиллаштиришнинг илмий асосланиб, узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш орқали мамлакатимизда «Ақлли хизматлар» кўрсатиш амалиётини шакллантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хизматлар кўрсатиш соҳасига инновацияларни тадбиқ этиш мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига, аҳолининг ижтимоий ҳолати, миллий қонунчилик, шунингдек, халқаро ва давлатлараро келишувларга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат ҳар бир мамлакатда хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш заруриятининг турли сабаб ва рағбатларга асосланганлигидан далолат беради.



4-расм. Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг инновацион механизмининг таркибий тузилиш²⁹

²⁹ Муаллиф томонидан тузилган

Хизматлар кўрсатиш соҳасида инновацион фаолият янги турдаги хизматларни кўрсатиш, уларни такомиллаштириш, инновацион хизматлар кўрсатиш инфратузилмаси, жумладан, транспорт, овқатланиш, меҳмонхона ва бошқа хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш, янги бозорларни эгаллаш, илғор ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда турфирмалар фаолиятининг ташкилий ва бошқарувининг замонавий шакллари жорий этишни назарда тутди.

Хусусан, «2026 йилга қадар бўлган муддатда республика ҳудудларида кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини уч бараварга, туризм, транспорт, ахборот-коммуникация ва бошқа хизматлар экспорти ҳажмини 1,7 бараварга ошириш»³⁰ вазифаси белгиланган.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда, хизматлар кўрсатиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизмини шакллантириш лозим. Таклиф этилаётган механизм уч даражали бўлиб, бунда биринчи даража инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутса, иккинчи даража минтақавий ва учинчи даража республика миқёсида хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион ривожланиш механизмини қамраб олади (4-расмга қаранг).


Таклиф этилаётган хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг инновацион механизмини амал қилиши учун аввало ушбу соҳани инновацион ривожлантириш имконини берувчи инфратузилмани шакллантириш лозим бўлади. 5-расмда таклиф этилаётган хизматлар кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизми амал қилиши учун зарурий инфратузилма ва унинг таркибий тузилиши хизматлар кўрсатиш соҳасидага барча турдаги хизматларнинг узвий мутаносибликда такомиллаштириб борилиши, уларнинг турларини кенгайтириш, жумладан, кичик ва ўрта даражадаги хизматлар кўрсатувчи корхоналар фаолиятини инновацион ривожланиш йўлига ўтказишда илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш ва уларни молиялаштириш бўйича зарурий хизматларни кўрсатиш имконини беради.

Бундай таркибга асосланган инфратузилма универсал аҳамият касб этган ҳолда ҳудудлар миқёсида хизматлар кўрсатиш турлари бўйича ихтисослашувдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ҳудудда амал қилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Хизматлар кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизми амал қилишининг ҳудудларда назоратини амалга ошириш учун хизматлар кўрсатишни инновацион ривожланишини назорат қилувчи инновацион марказлар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бу турдаги марказлар таркибий жиҳатдан жамоатчилик ташкилотлари, туристик бизнес жамиятлари, молиявий ташкилотлар, ҳудудий бошқарув органлари, олий таълим муассасалари ва илмий марказлардан шакллантирилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бундай таркибга асосланган ҳудудий инновацион

